



Ўзбекистон

ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси
1993 йил 21 апрель, чоршанба № 71 (21.422)

Газетига 1918 йил 21 июлда «Иштирокиюм»
номи билан асос солинган

Нархи:
5 сўм

Ислон Каримов:

Ўзбеклар, диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнат-севарлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир.

ЎЗБЕКИСТОН

ОВОЗИНИНГ

75 ЙИЛЛИГИГА



«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига бағишлаб ижодий конкурс ўтказиш гоёси туғилганида шоирлару носирлар, публицистлару суратчиларни қайси мавзу орқали бирлаштириш мумкин экан, деган фикр узоқ муҳокама бўлган. Унда кўпчилиكنинг фикри бир жойдан чиқди: чорақ кам бир асрлик газета тарихи — бу Ўзбекистон тарихидир. Демак, танловнинг бош қаҳрамони Ўзбекистон. Она Ватанимиз мустақиллик қанотларини кенг ёя бошлаган бир пайтда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Шу тариқа ижодий беллашувнинг шiori шаклланди: «Ўзбекистон — Ватаним менинг». Зотан, бу сўзлар газетамизнинг ҳар сонида так-

рорланадиган «Ватан севмак иймондандур!» шiorига ҳамоҳанг жаранглайди. Ҳа, шеър ва очеркларда, фототаъвоқ ва репортажларда юртимиз ўтмиши ҳақида ҳикоя қилинадими, азалий қадриятларнинг эъзозланиши хусусида сўз юритиладими, меҳроқибату вафо-садоқат тараннум этиладими — барибир муқаддас тушунча — Ватан мавзусини бутун қирралари билан ифодалайди. Азамат халқимизни бунёдкорлик ишларига чоғлаётган ҳам Ватан туйғуси, мустақиллик йўлида фидойилик хислатларини намоянда этаётган ҳам киндик қони тўкилган тупроққа муҳаббат туйғулдир. Шахдам одимлари билан дунёга юз ту-

таётган Ўзбекистон бугунги кунда ватанпарварлик туйғуси жўш урган фарзандлари туйғайли куч-қудратга тўлмоқда. Собиқ Иттифоқнинг айрим ҳудудларида «Қизил империя»ни тиклаш ҳақида бақир-чақирлар эшитилиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда миллий ифтихор ҳақида оташин сўзлар баралла янграмоқда.

Газетамизнинг бугунги сонида берилётган материалларни ҳам ана шу муқаддас мавзу — Ватан мавзуси бирлаштириб туради. Улар ҳажмидан, жанридан қатъи назар «Ўзбекистон — Ватаним менинг» танловига тақдим этилган асарлардан ташкил топган.

УМУМЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАНИНИНГ МАЖЛИСИ



СУРАТЛАРДА: мажлис пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган суратлар. (ЎзА).

Кеча Тошкентда, муҳташам Халқлар дўстлиги саройида Умумжаҳон иқтисодий анжуманининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ

сўзлаб, Ўзбекистонда амалга оширилатган иқтисодий, сиёсий ислохотлар ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг мунозаралар бўлди.

(Анжуман ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонда эълон қилинади).

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

19 апрель кўни Дания қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавақулда ва мухтор элчиси этиб таъинланган Хенрик Рин Иверсен мамлакатимиз Президент Ислон Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Элчи янги вазифани Ўзбекистон Республикаси Президентига ва мамлакатимиз халқига Дания қироллигидан ҳамда эзу тилакларини етказиб билан бошлатганидан мамнуният изҳор этди. У истиқболга эришган Ўзбекистон билан Дания қироллиги ўртасидаги ўзаро маънавий алоқаларнинг тараққий этиши учун куч-ғайрат сарф этишини маълум қилди.

Президент Ислон Каримов жаноб Хенрик Рин Иверсенни янги лавозим билан кутлар экан, унинг саъй-ҳаракатлари мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техник ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишига кўмаклашди, деб ишонч билдирди.

Ишонч ёрлигини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазир С. Сафоев иштирок этди.

(ЎзА).

ДЕЛЕГАЦИЯ ТУРКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев бошчилигидаги делегация Туркия Республикасининг Президенти Тургут Узулнинг дафни маросимида қатнашиш учун кеча Тошкентдан Анқарага жўнаб кетди. Делегация таркибиде Олий Кенгаш қўмителарининг раислари академик П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов ва ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев бор.

Делегацияни кузатиб қолганлар орасида Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавақулда ва мухтор элчиси Вулсон Чўтур бор эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати қарор қилади: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси 1993 йил 6 майда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Тошкент шаҳри,
1993 йил 20 апрель.

- 1. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
- 2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
- 3. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги Дўстлик, ҳам-жихатлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
- 4. Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги Дўстлик, ҳам-корлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
- 5. «Ёр солиғи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 6. «Суурта тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 7. «Валютани тартибга солиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 8. «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 9. «Сува ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 10. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 11. «Ҳокимлар ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 12. «Турар-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 13. «Мулкчилик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 14. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 15. «Тадбиркорлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 16. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 17. «Ер тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 18. «Махсус белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 19. «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 20. «Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодекси лойиҳаси тўғрисида».
- 21. Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга доир тўзатишларни ратификация қилиш ҳақида.
- 22. «Умумфойдаланишдаги ҳаво, темирйўл, ички сува ва автомобиль транспорт йўналишларининг давлат мажбурий шаклини суғуртаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 23. «Жамиятни ақборотлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 24. «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида».
- 25. Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини тасис этиш тўғрисида».
- 26. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида».
- 27. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Раёсатининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида».
- 28. Ўзбекистон Республикасининг давлатлар ҳамда ажнебий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши ҳақида».
- 29. Айрим қонун ҳужжатларида қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида».

ИККИ ВИЛОЯТ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан, Тошкент вилояти ва Самарқанд вилояти ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, унинг янги поғонага кўтариш мақсадида ҳамкорлар ҳузурига борди. Биринчи кунлик Хўжанд туманидаги Саидхўжа ўрнхўжаев номидаги жамоа хўжалиги маданият саройида икки вилоят ўртасида иқтисодий, фан-техника ҳамда иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ҳақида ўндан анёд шартнома имзоланди. Шартномаларнинг Тошкент вилояти ҳокими Сайфулла Сайдалиев билан халқ депутатлари Ленинобод вилоят кенгаши ижроия қўмитеси раиси Абдужалил Ҳамидовлар имзоландилар. Шартномаларга мувофиқ қўшма корхоналар ташкил этиши, маҳсулотлар айирбошлаш, бозор иқтисодийтеги муаммоларни борасида фикрлашиб туриши, адабиёт ва санъат ҳодимларининг ўзаро ташириларини уюштириш каби кўплаб тадбирлар амалга оширилади. Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари билан Ленинобод вилояти шаҳар ва туманлари ҳамкорлиги тўғрисида ҳам ҳужжатлар имзоланди. Тошкентлик меҳмонлар вилоятнинг Хўжанд, Ура-тепа, Исфара, Қайроққум, Келинобод шаҳарлари ва Пролетар, Мачқоқ, Хўжанд туманларида ҳам бўлиб, меҳнат жамоалари билан учрашдилар. Турон Тўғичиев, Ленинобод вилояти, (ЎзА).



Сиз халқимиз фаровонлигини, тинчлигини ўйлаб кўп тадбирларни амалга оширяпсиз. Айниқса, биз каби ўқувчиларга имтиёزلар яратиб бераётганингиздан мамнунмиз. Тест синови бизларга айниқса ёқди. Олимпиада ўтказишда ҳам шу усулдан фойдаландик. Ешлар — Ўзбекистоннинг келажакдир. Шунинг учун биз ҳам бу ҳамхўрликларга жавобан фақат «аъло» ва «якши» баҳоларга ўқишимиз зарур.

Ноҳидра САИДОВА,
Пахтабод шаҳри, Лутфий номидаги мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Биз, ўзбек фарзандлари Сиздай улуг одамдан миннатдормиз. Сизга атаб қанча ширин сўзлар айтмайди барибир камлик қилади. Ўзбекистон ёшлари келажакда жуда яхши кадрлар бўлиб етишадилар ва мамлакатимиз учун ўз билимлари ва кучларини аямайдилар. Ўзбек халқи бахтига омон бўлинг. Мамлакатимиз талабалари чет эл мамлакатларида ўқиб билимларини оширишларига кенг йўл очиб берганингиз учун ташаккур.

Шарофат РАҲМАТОВА,
Бухоро вилоятининг Қорақўл районидеги 11-ўрта мактаб 9-синф ўқувчиси.

Бизни маъзур туттайсиз. Ўғилчамиз Наврўзбек Сизга табрик йўллашни жудама ҳоҳлаб қолди. Раънини қайтаролмадик. Лекин адресингизни билмаганимиз учун хатин «Ўзбекистон овози» орқали йўллашни лозим топдик. Сизнинг катта ижодий ишларингизда баркамоллик тилаб қоламиз.

ПРИМОВлар оиласи.

Наврўз байрами мен учун айниқса муқаддасдир. Чунки, мен шу кунни дунёга келганман. Бу қудруф байрамни йўқ қилмоқчи бўлдилар. Беҳад шукрки, Сиз туйғайли у қайта тикланди! Яна тантанали нишонлайдиган бўлдик. Бунинг учун сизга минг раҳмат. Мен ҳам энди хат ёзадиган бўлиб қолдим. Шунинг учун бу йил биринчи синфда ўқияман.

НАВРЎЗБЕК,
Жиззах вилояти Пахтакор районидеги А. Ясавий номидаги 7-мактаб.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ХДП Богот райони кенгашининг биринчи қотиби.

ЎЗБЕКНИСТОН

Ислом КАРИМОВ:

● ... ЎЗБЕК ХАЛҚИ — УЛУҒ ХАЛҚ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БИСОТИ ҲАМ КАТТА. БИЗ НАҒАҚАТ ЎЗИМИЗНИ, БОШҚАЛАРНИ ҲАМ БОҚИШГА ҚЎРБИМИЗ ЕТАДИ. БОШҚАЛАРГА ЕРДАМ БЕРИШГА, БОШҚАЛАР БИЛАН ТЕНГМА-ТЕНГ ҲАМҚОРЛИК ҚИЛИШГА ҚОДИРМИЗ.

● МИЛЛИЙ ТУЙҒУ ИНСОН УЧУН ТАБИИЙДИР. ЧУНКИ У ОТА-ОНАЛАРДАН МЕРОС ҚИЛИБ ОЛИНГАН ВА БОЛА ЎЗ ОТА-ОНАСИГА, БУТУН ДУНЁГА АЙТГАН БИРИНЧИ СУЗИДА ИФОДАЛАНАДИ.

● ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИНИНГ ВАТАН-ПАРВАРЛИГИ — БУ ҚАЙТА ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИНИ КЎРСАТУВЧИ, ҚЎЗЛАНГАН МАҚСАДДАН ЧЕТГА ЧИҚМАЙДИГАН ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ, ИШОНЧЛИ КОМПАССИД.

● МИЛЛИЙ, МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА БИЗ БАРЧА БИЛАН ҲАМҚОРЛИК ҚИЛМОҚДАМИЗ.



Тошкент шаҳар уруш ва қуроли кучлар фахрийлари қўмитаси раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Б. Х. Сирожиiddинов (чапдан бешинчи) А. ТУРАЕВ олган сурат.

ОНА-ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ, ОМОНМИСИЗ?

Ой-юлдуз байроқли Ватанимиз пойтахти марказидаги «Буюк Турон» кўчасидан ўтган кишининг нигоҳи беихтиёр кўксиларида ишон порлаб турган сиймоларнинг суратларига тушади. Улар уруш кўрган, ажалга чап берган, тангри ёрлаб иккинчи умр завқини суришни насиб этган марди-майдонлар. Ватан ўғлонларини жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатишга чорлаган даъваткор куч она меҳри, ёр муҳаббати, юрт соғинчи бўлса не ажаб.

Ҳаққонийлик тантанаси учун қўлига қурол олган, боқинчиға берадиган ортича ери йўқлигини англаган жангчининг душманга нафрати ҳам ўтдироқ бўлади. Қаҳрамонларимиздан Самиг Абдуллаевнинг дарё кечувиде ярадор бўлишига қарамай, ўқ ёмири остида портлатгич-симини узиб ташлаб жасорат кўрсатиши, Тўхтасин Аҳмедовнинг Одер дарёсининг қировли сувига ўзини отиб, танкларга мўлжалланган паром сим-арқонини соқилга боғлаб, қаҳрамонлик қилгани ҳам шундан. Бонс Эргашев, Солиҳ Умаров, Абдусаттор Эшонқулов ва бошқаларнинг олтин юлдузлари ҳақида кўп ва ҳўп гапириш мумкин.

мансуб йигитларнинг ҳам она-юртлари бор эди. Шу тариқа Ватан ишқиде муштарак уйғунлик юзага келган. Уёғини сўрасангиз, Ватан бий берсак, она-юртимиз омон қолармиди? Менга қолса, қурран-заминни, бутун борлиқни Ватаним дегим келадди. Ҳа, Ватан сўзини дунёвий тушунчасини билишимиз дозим.

— Жуда тўғри илбасиз, — дейди суҳбатдошимиз, Тошкент шаҳар уруш ва қуроли кучлар фахрийлари қўмитаси раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Бурхон Сирожиiddинов. — Ҳақиқатан ҳам, урушнинг суронли йиллари галаба кунигача етиб бориш, яна қадрдон шаҳар-қишлоқларига қайтишда қорақўз фарзандларимизга яхши ниятлари йўлош, Ватан ишқи кўлош бўлди. Зеро, урушда нималар бўлмайдими, дейсиз. Сабри етмай, ўзини ўқда тутмоқчи ёки қўл кўтариб, у томонга тўмоқчи бўлганлар ҳам йўқ эмасди. Ҳадиси шарифда ҳам яшаш, қўлайиш, саёй-ҳаракатлар қилиш савоб экани, жонига қасд этиш гуноҳ экани баён этилган.

— Ҳа, пайғамбаримизнинг ана шу ўғитлари китобиде «Ватан севмак аймондандир», деган нақл ҳам бор. Юксак инсоний туйғулар маънисини жо бўлган бу сўзларда турконаликка хос азалий қадриятларимиз мезони борди. Шу бонс, «Ватан мудофаси учун бўлаётган урушдан қочмоқ» етти гуноҳдан бири саналади. Шунга қарамай, ҳақ орасида «қирқ йил қирғин бўлса, ажал етган ўлади», «хаммаси умрга боғлиқ», деган гаплар юради. Фикримча, шайтонга ҳақ берган киши кам бўлмайди.

— Оталар жасорати — фарзандлар мероси, деб бежиз айтишмаган. Ўйлайманки, ўғлонларимизнинг Ватан озодлиғи йўлида қаҳрамонликлари авлодларимиз учун мудоим ибрат бўлгусидир. Мардлик — мангулик экани, юлдузли қаҳрамонлар билан ёшлар урашувларида ўз ифодасини топмоқда. Зотан, биз уларга нисбатан ғамхўрликни янада яхшилашимиз даркор. Чунки уруш кўрганлар етмишдан ўтиб, саксонини қоралаб қолишган. Вилмазми, юртимиздан бир миллион 300 мингга яқин йигит урушга сафарбар этилган. Уларнинг 360 мингдан кўпроғига Ватанга қайтиш насиб этмади. 400 минг нафари ногирон бўлиб қолган. Ҳозир тахминан 120 минг уруш қатнашчиси ҳаёт ва эътиборимизда. Аммо уларнинг сафи тобора тарайиб бормоқда. Бўлмас, Ўзбекистон — Ватаним менинг, деган эр-йигитларимиздан 283 нафари иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, деган шарафга муяссар бўлишган. Шуллардан ҳозир 27 киши истиклол экинидан баҳраманд бўлиб туришибди. Хуллас, Ватан, она сўзи нақадар лавизлигини биз улардан ўрганасак арийди.

Билсангиз Ватанга, эл-юрта меҳр қўйган.

Сўхбатдош: Ҳайдар НОСИРОВ.

Редакция хати

КАТАҒОН ЙИЛЛАРИ ҚЎРБОНЛАРИНИ УНУТМАЙЛИК
Ешим бир кам саксонда. Мен 37-йиллардаги катагон жабру зулмларини ўз кўзин билан кўрганман, азоб-ўқубатларини тортганман. Мен билан бирга лагерларга ўнлаб кишилар жўнатилган эди. Жиззахдан қамалиб кетганларнинг орасида факат менгина тирик қолганман, холос. Эҳтимол, уларни отанлар (айримлари ҳозир балки тирикдир), ўз виждонлари олдиде қиналаётгандир. Отиғанлар қверде, улар ҳақда бирон маълумот борми?

М. ЮСУПОВ,
Жиззах шаҳри.
ЕДГОРЛИК ЛАВҲАСИ
УРНАТИЛСА...
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИДА
Стеланимиз даврида «миллатчиликда ва «халқ душманчилигида айбаниб, таъқиб қилинган ва қурбон бўлган машҳур ватандошларимизга ягона ёдгорлик ўрнатилишини тақлиф қиламан. Бу ёдгорликка қўйиладиган кишиларнинг исми-шарифлари ёзиб қўйилса: Акмал Икромов — сиёсий арбоб, Файзулла Ҳужаев — сиёсий ва давлат арбоби, Ҳулпон — шоир ва азувчи, Усмон Носир — шоир, Абдулло Қодирӣ — азувчи, Муҳаммад Ҳасанов — журналист, «Правда Востока» газетасининг муҳаррири, Аъзам Аюпов — «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул котиби, Отажон Қўшимов — Ўзбекистон фан қўмитаси (УЗФАН)нинг биринчи раиси.
Бу рўйхатга бошқа қурбонларнинг исми-шарифларини ҳам киритиш ҳақида муштарийлар тақлифларини билдиришлари мумкин.
Туйғун ВАЛИЕВ,
кекса журналист.

СИРЛИ «БУЛОҚ» СИРЛАРИ ОЧИЛСА

Азиз меҳрибон Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ишлари бошидан охиб-тохиб ётибди. Шу сабабдан у кишининг қимматли вақтларини олмай деб, ушбу номани сизга, ҳурматли редакцияга йўллаётirman.

Уруш йиллари эди. Зомин туманида «Қизил қўшчи» деган жамоа ҳўналиғи бўларди. Биз у ерга қўш ҳайдашга ерданга борардик. Ушанда ён-атрофимизда бир ўрси-геолог ер «титиқлаб» юрарди. Нима қидиради, деб ҳайрон бўлардик. Сабабини кўп ўтмай билиб олдик.

Коплозининг жануби-ғарбидеги бир булоқ суви сойга оқиб ётар, у узоққа бормай кўмаг суниб кетарди. Қорамоллар ундан сув ичмасди. Чунки сувнинг юзи ёлғиз бўлиб, дом қаймоқланиб турарди. Уни ҳалиги ўрси текширгани-текширгани эди. Қирқ иккинчи-қирқ учинчи йиллар эди чамамда. Ўрси-геолог ўша булоқнинг тепасидан етти пиллабон қилиб тушиб, унинг суви ва тупроғидан намуналар олиб, Москвага жўнатиб юборди.

— Ҳали кўрасизлар, — деганди у ўшанда, — бу ердан нефть отилиб чиқади. Ғарб томондаги тоғдаги мармар эса жаҳонга тенги йўқ! У ҳам халққа асқотиши мумкин.

Мана, ўша замон келди. Бойликларимиз ўзимизга насиб етмаганде истиқлол қилиб боқдик. Қани энди бу ерларга ҳам геолог-ўғлонлар бир келишиб, текшириб кўришса, эра сирли «булоқ» сирлари очилса. Президентимизнинг бир тапни ҳамон эсимда: бу заминда ҳамма нарса бор! Ахир биз каби оқдйи фўнарлар учун ҳам Ватан, истиқлол туйғуси, эл-юрт гами бегона эмас-кў.

Қадим бобоқалонларимиз: «Зомин йўқчиликни бор қилади», — деб бежиз айтмаган бўлсалар керак. Ҳатто кексалар ҳам нефть тасмасининг ўзаги шу ерлардан, тоғлар оралаб ўтган дейишларида бир ҳикмат бўлса ажабмас. Зеро, умидларимиз рўёбга чиқиб, нефть фавворалари отилса-ю, мустақиллигимиз халқимиз бахт-саводига хизмат қилса.

Б. ХУДОЕРОВ,
Зомин туманидаги Еттиқошув кишлоқ кенгашининг Сарикар қиллоғи.

ТАРИХИНИ БИЛГАН...

Қирқ олти йилдан бери ўқувчиларга тарихдан дарс берилган. Аммо ўз шахримиз, вилоятимиз, республикамиз тарихини яхши билаймиз. Ваҳолонки, Фарғона вилояти, айниқса, Қўқон шаҳри тарихига жуда бой. Шахримизнинг ўн икки дарвозаси, унинг аҳамияти ҳануз халқ хотирасидан ўчган эмас. Мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз тилланяпти. Бой меросимиз, ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганишга эндиликда алоҳида эътибор берилмоқда. Шу бонс фарзандларимизга, мактаб ўқувчиларига аввало ўзлари тугилиб ўсган жой тарихини ўргатишимиз керак. Уларга кўпроқ тарихий, ўлкашуносликка оид маълумотлар бера олсак, аминманки, ўз юрти, эли тарихини билган ўқувчи ҳаммиса ватанини эъзозлайди, унинг қадрига етади.

Ш. ҲАКИМОВА,
тарих ўқитувчиси.



Дадил қадам. А. ТУРАЕВ олган сурат-лавҳаси.


Луқма ҚАЧОН ТОПИЛАДИ?

Бошимга қулфат тушди. На илож, 1991 йил 26 июнь кеч соат еттиларда меҳрибоним — дедажоним 97 ёшларида бу дунёдан кўз юмди. 28 июнь кунни тупроққа қўйдик. Дарду алам чекмас... Лекин дарду устига яна бир чипқон чиқди. 28 июндан 29 июнгача ўтар кечеси номаълум шахслар менга қарашли «ВАЗ—21063» маркази машинамини гараж зўлирини суғуриб, ўғирлаб кетишди. Биз соат тўртда билиб қолиб, Задарё райони ички ишлар бўлимига ҳабар бердик. Ички ишлар бўлими бошлиғи Аҳмадалиев бошчилигидаги милиция ходимлари етиб келишди. Ўғирлик қандай содир бўлганини тўғрисида сўраб-суриштиришди. Мен эса натижасини сабрсизлик билан кутар эдим.

У яна Ибрагимовга юборди. У эса яна бизни сўроқ қилиб тушуштириш хати олиб кетди. Район ички ишлар бўлимига қатнайвериб чарчадик. Улар «Машинани топилади!» деб шунча вақтдан бери бизни алдаб келишяпти. Ваҳолонки, давлат ҳўжалиғи марказиде участка инспектори Эргашевни нафақага кузатишиб, унга машина совға қилишди. Мен бир оддий ўқитувчи бўлсам, додимни кимга айтмай. Бундай адолатсизликдан азоб чекаяман. Ердан берадиган кишим борми?

РЕДАКЦИЯДАН: Задарё район ички ишлар бўлимидаги «Топилади!» деб ваъдани қўяётган акаларга бизнинг ҳам бир саволимиз бор. Ҳўш, «Машина қачон топилади?»

М. МАНСУРОВ,
Наманган вилояти, Задарё ноҳияси, Гўлбоғ давлат ҳўжалиғи, 34-мактаб ўқитувчиси.



Мамлакатимиз осори-атиқалари кишини лол қолдиради...

Киндик қонн тўқилган замин, албатта, ҳар кимнинг ўз Ватани. Лекин юртимизда шундай одамлар борки, улар Ўзбекистонда тугилишмасда-ба бахтини шу ўлкада топган. Улар учун қўбши дёғиримиз Ватанга айланган. Ҳикоямиз шундай бир инсон ҳақида.

Яккабоғ шаҳрининг Улуғбек кўчасидаги оддийгина ҳовлилардан бирида узоқ йиллардан буён камтарона истиқомат қилиб келаётган ўрта бўйли, эндиликда анча озбиб жуссаси бироз кичрайган ва юзларини ажин қоплаган украин аёлини анчадан бери биланман. Ўқитувчилик даврида у билан бир неча йил бир мактабда бирга ишлаганман ҳам. Анастасия Емельяновна Ханнипова кўпни кўрган, бу йил 70 баҳорни қаршилади. Меҳри дарё онани танимайдиганлар ёки сидқидилдан ҳурмат қилмайдиганлар у яшаётган шаҳардагина эмас, балки бутун Яккабоғ туманида топилмас керак.

Ойбек номли, Фурқат номли ўрта мактабларда ҳам ёш авлодга таълим-тарбия берган. Ана шу учала мактаб муаллимлар жамоалари ўртасида жонқур ўқитувчи сифатида улағиб камол топди, талабаларга сабоқ бериш ва уларнинг ота-оналари билан мунтазам алоқада бўлиш меҳоратини астойдил эгаллади. Ишдан ажралмаган ҳолда аввал Бухоро Давлат муаллимлар олийгоҳининг тарих қўлиётини, ундан кейин Душанбе давлат муал-

мслаҳатламай бел боғлади. Дастлаб анча уринишлар ва елиб-юғуришлардан сўнг болалар уйдан Мая исми беш ёшли жажжикча қизалоқни еталаб келишди. Эр-хотин уни оқ ювиб, оқ тарашди, муҳаббат билан ардоқлашди. Ҳеч нарсага, ҳатто оналик меҳр-саховатига зориқтирмай ўстиришди, ўқитишди.

Район қишлоқларидан бирида яшовчи марҳум Имом Самадов деган кишининг хотини тугурқонда вафот этиб қолди, — дея эслайди Анастасия опа. — Ундан қолган чақалоқ атиғи етти кунлик экан. Болани олиб келиб Павел деб исм қўйдик. Туналири тоғларга улаб, мурғаккина гўдакнинг не ижиқликларига чидаш, овутиш не чоғли мушук бўлмасин, оналик саводати олдида булар арзимас нарсалек эди.

МЕҲР МЎЪЖИЗАСИ

лимлар олийгоҳининг рус тили ва адабиёти қўлиётини муваффақиятли тугаллади, неча юзлаб меҳнат аҳли ўғил ва қизларига рус тилидан дарс берди.

Бир пайлар онаси ишлаган Ойбек номли ўрта мактабнинг муаллимаси Мая ҳам, район солов-шилб қириши қорхонасида хизмат қилаётган Павел ҳам, «Шўртанга» ишчи-хизматчиларининг Қарши шаҳрида жойлашган болалар боғчасисли тарбиячилари Валентина ва Марина ҳам, Яккабоғ пахта тозалаш қорхонасига қарашли тепловоз ҳайдовчиси Сергей ҳам икки тилда — ўзбек ва рус тилларида муомала қилдилар. Бу хондон сохибларини том маънода баъналимилал оида дейиш мумкин.

ВАТАНИМИЗ МЕННИНГ

Ислом КАРИМОВ:

• ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЮКСАК МИЛЛИЙ ҚАДР-ҚИММАТИ, ОР-НОМУСИ ВА ШОН-ШАРАФИ УНИНГ УТА МЕХРИБОНЛИГИ ВА СОФ ВИЖДОНЛИГИГА АСОСЛАНГАН ДИР.



Наврўз — яшарин фасли.

• ХДП ҳаётидан РАЙОНЛАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИДАН

Ўзбекистон ХДП Амурдаё райони кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. И. Х. Давлетов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод этилди.

Илгарий район партия кенгашининг котиби бўлиб ишлаган Р. Ҳамидов Ўзбекистон ХДП Амурдаё райони кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод этилди.

Илгарий район агрономат уюшмаси раисининг биринчи муовини бўлиб ишлаган Парохат Имамдинов Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғiston Республикаси кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод этилди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғiston Республикаси кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод этилди.


Ўзбекистон ХДП Элик қалъа райони кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан М. Олдоғринов район партия кенгаши котиби лавозимидан озод этилди.

Ўзбекистон ХДП Элик қалъа райони кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан М. Олдоғринов район партия кенгаши котиби лавозимидан озод этилди.

Ўзбекистон ХДП Элик қалъа райони кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан М. Олдоғринов район партия кенгаши котиби лавозимидан озод этилди.

Ўзбекистон ХДП Элик қалъа райони кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан М. Олдоғринов район партия кенгаши котиби лавозимидан озод этилди.

МАҲАЛЛА—ВАТАН ИЧРА ВАТАН



Исон ҳаётида соғинч туйғуси билан яшайди. Яқин киши билан дийдор кўришганда бир олам қувонч ва таскинлик олади. Бундай оқибат, айниқса, маҳалла-ларда алоҳида намоён бўлади. Демак маҳалла улкан ватан бағридаги ўзига хос кичик бир мамлакатдир. У ўзининг жўшқин ҳаётида одамларни қувонтирувчи, бирлаштирувчи маскан бўлиши билан миллатимизнинг ифтихори ва юзидир.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ФИКРИ ШУ

Ҳеч бир даврда биз аёлларга ҳозиргидек самхўрлик кўрсатилмаган. Айниқса, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Соғлом авлод учун» ординни таъсис этиш тўғрисидаги фармони бизни мамнун этди. Бу оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, ёш авлод тарбиясига бош-қош бўлиш ҳақида яна бир меҳрибонлик ифодасидир. Бундан буён шу соҳада иш олиб борувчиларнинг масъулияти янада охиши шубҳасиз. Қолаверса, истиқлолимизни мустақамлаш, ватанимиз доврнинг оламга ёйиш муносиб ворисларимизга болғиқ, Хотин-қизларни ардоқлаш, фарзандларининг эртасини ўйлаган жамият келажиги порлоқ бўлишига имонимиз қовил.

ОПМОНИЯДАН УСКУНАЛАР КЕЛТИРИЛДИ

Каттакўрғон шаҳридаги Мирзо Улукбек номи 8-мой заводи мутахассис ва иттирозчилари бензиндан унумли фойдаланиш усулини кашф этдилар. Бунда соватгичларга вилмаклик қурилмадан сув юборилади. Натияжада 24 даража иссиқликдаги сув 12 даражага совиқиди ва бензиннинг буғуланганини камайтиради.

Қари бор уйнинг—зари бор

Мақсад буви Пардаеванин хонадонида бугун қўшалок байрам. Онахон 108 ёшини қаршилади. Чевара кўрди. Хали анча бардам, тегин. Бирок, онахоннинг йиғири алғов-даловли, ноғич йилларга тўғри келган. Бунинг устига тақдир уни кўп синлардан ўтказди. Турмушининг аччиқ-чучуғини, ҳақ-ноҳадликни кўрди. Ҳаммасига бардош берди. Ҳаётини Парда Сариев билан боғлади. Биринчилардан бўлиб колхозга аъзо бўлди.

КАЙВОНИ

Котиб ҳол-аҳвол сўрагач, онахонга хўжалик бошқаруви, партия кўмитаси номидан байрам совғасини топширди. Онахон миннатдорчилик билдирди.

КЕЛАЖАГИМИЗ—ЁШЛАРНИ ИСТИҚЛОЛ РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

Маълумотларга қараганда Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг 47 фоизи 16 ёшгача ва 52 фоизи 20 ёшгача бўлган ёшлар экан. Бу — Ўзбекистонимиз жаҳондаги энг навқирон давлат деганидир. Халқ демократик партиясининг Раиси Ислом Каримовнинг порлоқ келажигимизни қўзлаб амалга ошираётган тадбирларини жасорат десак арзийди.

ГУЛА, ЯШНА, ОНА ЗАМИН

Биз она ватанимиз Ўзбекистонни гуллаб яшнашим, мустақам ҳуқуқий давлатга айланишимни жуда-жуда истаймиз. Шунинг учун барча соҳаларда ишлаётган ишчи ва хизматчилар ўз вазифаларини аъло даражада бажаришлари, тўғри ҳалол ва виждонан ишлашлари лозим.

Қари бор уйнинг—зари бор

Мақсад буви Пардаеванин хонадонида бугун қўшалок байрам. Онахон 108 ёшини қаршилади. Чевара кўрди. Хали анча бардам, тегин. Бирок, онахоннинг йиғири алғов-даловли, ноғич йилларга тўғри келган. Бунинг устига тақдир уни кўп синлардан ўтказди. Турмушининг аччиқ-чучуғини, ҳақ-ноҳадликни кўрди. Ҳаммасига бардош берди. Ҳаётини Парда Сариев билан боғлади. Биринчилардан бўлиб колхозга аъзо бўлди.

КАЙВОНИ

Котиб ҳол-аҳвол сўрагач, онахонга хўжалик бошқаруви, партия кўмитаси номидан байрам совғасини топширди. Онахон миннатдорчилик билдирди.

олиб боришларига етарли шарт-шароитлар яратиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир ходимларни маош билан таъминлаш учун идора бинолари, машина, асбоб-ускуналарни ижарага қўйиб шў ҳисобдан ойлик тўламоқда. Агар моддий жиҳатдан ёрдам берилса, ХДПнинг қўйи ташкилотлари ёшларни истиқлол руҳида тарбиялаш ишларига катта кўмак бўлур эди. Биз, фахрийлар ҳар қандай оғир иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам ёшларнинг тарбияси Ватанимиз истиқлоли йўлида жуда катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Шодиқул НАЗАРОВ, фахрийси, республика миқёсидаги шахсий нафақахўр, Оқдарё тумани.

ҚАЛБДА ЛОВУЛЛАГАН ТУЙҒУ

Еки «АСАКАДА ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА, НОМИНИ СИЗ ҚУНИНГ, МУШТАРИЙ МАҚОЛАСИ ЮЗАСИДАН КЕЛГАН МАҚТУБЛАРДАН САТРАЛАР

Қари бор уйнинг—зари бор

Мақсад буви Пардаеванин хонадонида бугун қўшалок байрам. Онахон 108 ёшини қаршилади. Чевара кўрди. Хали анча бардам, тегин. Бирок, онахоннинг йиғири алғов-даловли, ноғич йилларга тўғри келган. Бунинг устига тақдир уни кўп синлардан ўтказди. Турмушининг аччиқ-чучуғини, ҳақ-ноҳадликни кўрди. Ҳаммасига бардош берди. Ҳаётини Парда Сариев билан боғлади. Биринчилардан бўлиб колхозга аъзо бўлди.

КАЙВОНИ


Котиб ҳол-аҳвол сўрагач, онахонга хўжалик бошқаруви, партия кўмитаси номидан байрам совғасини топширди. Онахон миннатдорчилик билдирди.

Қари бор уйнинг—зари бор

Мақсад буви Пардаеванин хонадонида бугун қўшалок байрам. Онахон 108 ёшини қаршилади. Чевара кўрди. Хали анча бардам, тегин. Бирок, онахоннинг йиғири алғов-даловли, ноғич йилларга тўғри келган. Бунинг устига тақдир уни кўп синлардан ўтказди. Турмушининг аччиқ-чучуғини, ҳақ-ноҳадликни кўрди. Ҳаммасига бардош берди. Ҳаётини Парда Сариев билан боғлади. Биринчилардан бўлиб колхозга аъзо бўлди.

Қари бор уйнинг—зари бор

Мақсад буви Пардаеванин хонадонида бугун қўшалок байрам. Онахон 108 ёшини қаршилади. Чевара кўрди. Хали анча бардам, тегин. Бирок, онахоннинг йиғири алғов-даловли, ноғич йилларга тўғри келган. Бунинг устига тақдир уни кўп синлардан ўтказди. Турмушининг аччиқ-чучуғини, ҳақ-ноҳадликни кўрди. Ҳаммасига бардош берди. Ҳаётини Парда Сариев билан боғлади. Биринчилардан бўлиб колхозга аъзо бўлди.



Ўзбекистонимиз табиати нақадар феусункор. Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

ВАТАНИМ, ЖАМОЛИНГ КЎКДАГИ ЗУҲРО, ЖАҲОНДА СЕН ЎЗИНГ ЯҲОНА — ТАНҲО!

БАДИҲА

(Азиз умри ва бутун фаолиятини Ватан равнақи бахшида этиб келаётган улғувор йўлбошчимиз, кадрдон Президентимиз Ислам Каримовга буюк эҳтиром билан бағишлайман).

Аё дўстлар Ватан тахтига энг зўри замон келди,
Фахр ҳам ифтихор айланг, теран ақли равон келди.
Ислам Карим номи бирла улғувор бир нишон келди,
Амрал-муслимин, шонли бобомга қайта жон келди.

Улғулар дер эди жисминг кетар, рудинг қолар албат,
Баданим янгилаб қайта яшар келган дами фурсат,
Муқанна ёки Алломши туғилган бўлса не ҳайрат!
Диловар қаҳрамон, миллатпаноҳ шери Турон келди.

Мунаввар чехраю қутлуг қадамли раҳнамомиз бу,
Или бобида Афлотун, сиёсатда даҳомиз бу,
Садоқат, эътиқод, иймон йўлида бебаҳомиз бу,
Ажабким, жоми ваҳдат сийлаган кўрки жаҳон келди.

Нечун шод ўлмайин халқим жаҳонда ўрни бор ўлса,
Жами маъданларни кўз-кўз этиб пўр ифтихор ўлса,
Дадил саркарда ўлини шухрати ҳам бешумор ўлса,
Букун Оллоҳ-Каримнинг ҳоҳиши — юртимга шон келди.

Иби Сино, Беруний, Ал-Форобий сингари зотлар,
Муқаддас руҳидан қувват олиб аллома зуредлар,
Жаҳонда Чини Рум янгилиг илим-фанда сурур отлар,
Улғу манзил сари бошларга сарбон-нуқтадон келди.

Ватан равнақ топар албат ҳаммиса комил имоним,
Кетар мангуга тарк айлаб дилдан шунда армоним,
Жаҳон буйлаб нафосат бахш этар ҳур Ўзбекистоним,
Зеро, миллат бошига раҳнамоий қаҳрамон келди.

Азизлар, кўҳна дунё бу, ўтар гап йўқ сира ўздан,
Тавоф айланг уни ҳаргиз, омон асраб ёмон кўздан,
Балоний тўқлату ноҳақ даҳиллардан ўзар сўздан,
Чунон ўзбек элига бир фидоий жондон келди.

Набижон МАМАДАЛИЕВ

Буйайда район «Олга» рўзномаси муҳаррири.

ЎЗБЕКИСТОН (Қасида)

Сен ҳақиқатда кўп шеър битилган,
Киядик қоним томанг бўстони.
Ҳам мақталган, ҳам камситилган.
Кўкраги тоғ, бағри осмоним.
Тилаб-тусаб етган ижгоним —
Ўзбекистоним

Буюклардан буюкларнинг бор
Эгулик йўлида курашган.
Минг бор ўлиб-тирилган минг бор,
Ғанимлар тоғдек курашган.
Шарофисан-шараф тошганим —
Ўзбекистоним

Сендек ўлка оламда битмас,
Тарихингнинг ўзи бир дунё.
Таърифингиз ёмоққа етмас,
Дегиз сувни айласа сиёҳ.
Туркий забон — булбулистоним —
Ўзбекистоним

Нияти пок, мард, танти элни.
Камолотга етказган бешик.
Доғламочин бўлмас дили.
Кўнгли софга очилди эшик.
Меҳри ишан, қаҳри вуқоним —
Ўзбекистоним

Қора булутларнинг остидан,
Чинқолгансан кўшдек бадиҳ.
Ўғлонларинг зулм дастидан,
Қўзғалганда оёққа қалқиб.
Темирбек султонинг туққанам —
Ўзбекистоним

Халқимнинг дил тилаги лак-лак,
Тангрим доим ўнг бўлсин кўзинг.
Турли бало-қазодан бирдек,
Паноҳингда асрагил ўзинг.
Осойишта ўтсин ҳар оним —
Ўзбекистоним

Етар бўлган ижгонларинг мўл,
Оламини лол этгай камолинг.
Истиқлолга олиб чиққан йўл.
Тўлини ойдек айлар жамолинг.
Қудратлисан — комил иймоним,
Ўзбекистоним.

Наби БЕРДИЕВ.

Пастдарғом туманидаги Намуна қишлоқ
Кенгашининг раиси.

ЮРАГИМДАГИ СЎЗЛАР

Яхши бўлса юртбошим
Шу биз учун кифоя.
Эркин элда хуррамлик
Шодликка йўқ ниҳоя.

Тадбир билан даф этса
Доим элининг хатарин,
Самимият билан биз
Деймиш унга офарини..

Саҳардан тонгга қадар
Юртбошим олмас ором.
Унинг кўз олдидадур
Тамомий нотинч олам.

Унинг дил бисотида:
Инсоф, виждон, адолат,
Этмоқ учун курашар
Ўз юртин катта давлат...

Тинчлик сақланса дўстлар,
Тин олур халқу олам.
Саодатли дийрар
Дадил юрар ҳар одам!
Насрулло ДАВРОН,
Улғу Ватан уруши ва меҳнат
фахрийси, хизмат кўрсатган
ўқитувчи.



ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК!

Атир боғларингда шамоллар атир,
Баҳор жамолингта баҳорлар асир,
Меҳру муруватинг оламга татир,
Мустақил масканим, жаҳоним, жоним —
Истиқлол муборак, Ўзбекистоним!

Бошдин то оёғинг — опшоқ барака,
Дехонинг заҳмати сизмас фалакка,
Гул бўлиб қадалган ҳар гул юракка,
Мустақил давлатим, жаҳоним, жоним —
Истиқлол муборак, Ўзбекистоним!

Сени севмоқ ўзи қилмас кифоя,
Сени этмоқ зарур ҳар кун ҳимоя,
Меҳру муруватинг сендаги гога,
Мустақил масканим, жаҳоним, жоним —
Истиқлол муборак, Ўзбекистоним!

Дардингни олгали яралган жонимиз,
Сен учун қувончимиз, шарафимиз, шонимиз,
Кулиб тур, қулгингни севар Инсонимиз,
Мустақил давлатим, жаҳоним, жоним —
Истиқлол муборак, Ўзбекистоним!

ЎҚИЙЛИК

Нимага ҳам арзир ўқимаган халқ,
Или олдида қардир ўқимаган халқ,
Бир умр ютқазур ўқимаган халқ,
Ўқимайликми, воҳ, шунда ҳам дўстлар?!

Ўқимай балога гирифторм бўлдинг,
Гоҳо соҳилдаги тўтдай тўқилдинг,
Қайдаги пастларга ички букилдинг,
Ўқимайликми, воҳ, шунда ҳам дўстлар?!

Биз ахир, Форобий, Яссавий авлод,
Биз ахир, Навоий, Бобуриниз, ҳайхот,
Биз — Нодирабегим, Машраб фарёд,
Ўқийлик, азизлар, ўқийлик дўстлар!

Ўқисак, қимматиниз бир-биримизга,
Худо кириб келур шууримизга,
Ўқимасак, бечора ҳолимизда бизда,
Ўқимайликми, воҳ, шунда ҳам дўстлар?!

Ўқисак, ўнганур бу терс замона,
Ўқинган одамлар бўлмас қазон-а,
Бутун Или қиммати қандоқ арзон-а,
Ўқийлик, шунда ҳам ўқийлик, дўстлар!

Ўйқуни бир четга қўйлик энди,
Бегамлик кўзини ўйлик энди,
Шеър ўқиб, қон йиғлаб турайлик энди,
Ўқийлик, азизлар, ўқийлик, дўстлар!

Боғлар қўлга китоблар беринг,
Ўқинтишимиз, суранглар кейинг,
Ўқибетган бўлса, ўнлар қўйинг,
Ўқисин, азизлар, ўқисин, дўстлар!

Ўқимаса майли, пул бандалари,
Жамиятнинг аялч шармандалари,
Элни таловчидир уларнинг бари,
Биз эса, ўқийлик, ўқийлик, дўстлар!

Қон бўлиб, ёзишман бул мисраларини,
Мени қийнади-ку элиминг дардини,
То бор экан Қуръони шариф қадри,
Ўқийлик, азизлар, ўқийлик, дўстлар!..

Олдор ДАМИН.



ОНА ЗАМИНИМИЗ САХОВАТИ..

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

МУСТАҚИЛ ДИЁРИМ

Истиқлол қўшин муборак бўлсин,
Бағринг доим гўзал гулларга тўлсин,
Каттаю-кичигини шодликдан қулсин,
Мустақил диёрим — Ўзбекистоним!

Неча йиллик орзунинг амалга олдиди,
Қалблар севингандан тўлиди тошди,
Ғанимлар уялиб чеккага қочди,
Мустақил диёрим — Ўзбекистоним!

Қадрият тарихинг йўқолиб кетган,
Кўлар орау қилдиб егомдай ўтган,
Сирларни топиб сен қадрига етган
Мустақил диёрим — Ўзбекистоним!

Ҳамкорлик деган сўз бугун сенга ёр,
Атрофингда дўсту қадрдонинг бор,

Туркия, Мисрда ўғлинг бор илғор,
Мустақил диёрим — Ўзбекистоним!

Чўлпону Фитратни эслабди қўйган,
Ҳақиқат деб қўлар оловда қўйган,
Қадимдан оқибат, нон шаҳри бўлган
Мустақил диёрим — Ўзбекистоним!

Сен нажот дегизни, тинчлик посбони,
Келди эрк замони, тенглик замони,
Рўёбларга чинқисн кўпнинг армони,
Мустақил диёрим — Ўзбекистоним

Гулчехра ҲАЗАРОВА,
Шаҳрихон.

АССАЛОМ, УМРИМНИНГ ЭНГ САХИЙ КУНИ

Оёқдан кишанлар ечилди бу кун,
Занглаган қулфлар очилди бу кун,
Осмондан тангалар сочилиб бу кун,
Ассалом, умримнинг энг сахий кунин.

Эрк қўши қўнмади қандоқ қўлингга,
Ачидим чорасиз кўриб холингни,
ИСТИҚЛОЛ чинқи-ку истиқболингни,
Ассалом умримнинг энг сахий кунин.

Гулларни кучоқлаб гул юзлар кутар,
Кўнда ой, заминда кудузулар кутар,

Орзулар подшоҳи — юлдузлар кутар,
Ассалом, умримнинг энг сахий кунин.

Дастурхон устида сугу сумалак,
Авжийди майдонда Чиллик,
Зув-Ҳалак,
Осмондай кўксимда осмондай тиллак.
Ассалом, умримнинг энг сахий кунин.

Оламинг кучоғи нурларга тўлсин,
Евузлик, хиёнат бадарга бўлсин,

Кўкрагим қўшларга қўналга бўлсин,
Ассалом, умримнинг энг сахий кунин.

Наврўзим уя қур шуур, оилларга,
Юзини чайқайин оппоқ тошларга,
Сен ўзинг қўндалиг гўбор чапларга,
Ассалом, умримнинг энг сахий кунин!

Хусан ЭШМУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЕТГАНДА..

«Рустамбанк» раҳбари Р. Усмонов хабар қилади: ватанпарварликни тараннум этган энг яхши бадий журналистик асар муаллифларини тақдирлаш учун «Рустамбанк» 200 минг сўм мукофот пули ажратди... Марҳамат қилинг, азиз газетхон, ватанпарварлик мавзuidaги ижодий конкурсга!

«Ўзбекистон овози» газетасининг навбатдаги сонин 23 апрелда чиқади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ,
ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЯ КЕНГАШИ ВА
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ
Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Иجتимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жинойatchиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70.
Вилоят муҳбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибят — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУҲБИРЛАРИМИЗ
Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Қаршида — 3-25-79; Навбатчи муҳаррир: Ш. ИСРОИЛОВ,
Нукусда — 2-42-62; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Термизда — 2-23-01.

● Бирорта ҳам хат редакция эйтиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай қол этишга қаролат берилади.
● Қўлэмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 20.40.
Г—168. № 71.